

9-10-2020

DIFFERENCES BETWEEN THE CONCEPTS OF WINGED WORDS, APHORISMS AND PHRASEOLOGICAL UNITS

Guzalkhon Ne'matovna, Isakova

Doctor of philosophy, docent Tashkent State Dental Institute (Uzbekistan)

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Isakova, Guzalkhon Ne'matovna, (2020) "DIFFERENCES BETWEEN THE CONCEPTS OF WINGED WORDS, APHORISMS AND PHRASEOLOGICAL UNITS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 43.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/43>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

DIFFERENCES BETWEEN THE CONCEPTS OF WINGED WORDS, APHORISMS AND PHRASEOLOGICAL UNITS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 9 сон

5. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. –Т.: Зарқалам, 2006.
6. Ҳожиаҳмедов А. Шеърӣ санъатлар ва мумтоз қофия. –Т.: Шарқ, 1998.
7. Бобоев Т., Бобоева З. Бадиий санъатлар. –Т.: 2001.
8. Нишотий. Ҳусн ва Дил. Лирика. –Т.: Гафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. -Б. 47-48, 48, 76-77, 79, 79, 102, 111, 213, 224, 300, 297

ҚАНОТЛИ СЎЗ, АФОРИЗМ ВА ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИК ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ЎЗАРО ФАРҚИ

Исакова Гузалхон Неъматовна,
филология фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат стоматология институти

isakova-guzal@mail.ru

Телефон: +99890 970 06 19

Аннотация. Қанотли сўзлар миллий ва дунё маданиятида алоҳида ўринга эга бўлиб, улар сайқалланган шаклда машҳур файласуф, олим, ёзувчи ва давлат арбобларининг фикрларидир. Улар асрлар оша тилдан-тилга ўтиб, нутқимизни безаб келаётган маънодор тил бирлиги саналади. Қуйидаги мақолада турли характер-хусусият ва ҳолатларни лўнда ифодалашга хизмат қиладиган сермазмун ва образли ифодалар, яъни қанотли сўзлар тушунчаси ва унинг афоризм, фразеологик бирликлардан фарқи борасида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: қанотли сўз, сайқалланган, образли, маънодор, қўлланувчан, афоризм, манба, муаллиф, фразеологик бирлик.

DIFFERENCES BETWEEN THE CONCEPTS OF WINGED WORDS, APHORISMS AND PHRASEOLOGICAL UNITS

Isakova Guzalkhon Ne'matovna,
Doctor of philosophy, docent
Tashkent State Dental Institute (Uzbekistan)

Annotation. Winged words have a great role in the national and world culture. They are the words of great philosophers, scientists, writers and statesmen. They are the word combinations which make our speech more meaningful and bright. This article deals with the concept of winged words and their differences from aphorisms, phraseological units that serve to express succinctly various features and specialties of the language in figurative expressions.

Key words: winged words, polished, figurative, semantic, used, aphorism, source, author, phraseological unit.

РАЗЛИЧИЯ МЕЖДУ ПОНЯТИЯМИ КРЫЛАТЫЕ СЛОВА, АФОРИЗМЫ И ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИЕ ЕДИНИЦЫ

Исакова Гузалхон Неъматовна,
Кандидат филологических наук, доцент
Ташкентский государственный стоматологический
институт (Узбекистан)

Аннотация. Крылатые слова занимают особое место в национальной и мировой культуре, они считаются отшлифованными художественными выражениями известных философов, ученых, писателей и государственных деятелей. Также они являются содержательной языковой единицей, которые переходя из языка в язык украшают нашу речь. В данной статье речь ведется о понятии крылатых слов и их отличий от афоризмов, фразеологических единиц, которые служат для лаконичного выражения различных особенностей и состояний языка в образных выражениях.

Ключевые слова: крылатые слова, отшлифованные, образные, смысловые, используемые, афоризм, источник, автор, фразеологическая единица.

Ушбу изланиш лотин ва француз тилларидаги қанотли сўзларнинг хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Бизга маълумки, нутқ жараёнида мақол, фразеологизм ва афоризмлардан ўринли фойдаланиш нутқимизнинг таъсирчанлигини, ширалилигини оширишга хизмат қилади. Шулар қаторида лўнда, сайқалланган шаклда машҳур файласуф, олим, ёзувчи ва давлат арбобларининг фикрлари, яъни образли иқтибос сифатида фойдаланилаётган аниқ ифодалар – қанотли сўзлар ҳам муҳим ўрин тутуди.

Қанотли сўзлар миллий ва дунё маданиятида алоҳида ўринга эга бўлиб, афористик, кенг қамровлилик, маънодорлик, қўлланувчанлик ва аниқ манбага эғалик жиҳатлари билан фарқланади. Улар нутқда лўнда шаклда чуқур фикрларни аниқ ва образли етказдиган, мураккаб ҳолат ва характерлар маъносини қисқа қилиб аниқлаб берадиган алоҳида тил бирлигидир.

Кўплаб лингвистик тадқиқотларда “қанотли сўз” тил лексик-семантик системасининг мавҳум бирлиги сифатида қаралади ва қанотли сўзлар ундан фойдаланувчилардан ажратилган ҳолда ўрганилади, яъни қанотли сўзлар ва ундан фойдаланувчилар ўртасидаги боғлиқлик муаммоси ҳанузгача ўзининг тўлиқ ечимини топмаган. Француз тилшунослигида функционал ва маъно хусусиятларининг кенглиги билан алоҳида ўрин тутувчи қанотли сўзлар тадқиқи тўлақонли равишда амалга оширилмаган. Шунга кўра, лотин ва француз тилларидаги қанотли сўзларнинг семантик хусусиятларини ёритиш долзарб ҳисобланади.

Қанотли сўзлар тушунчасининг келиб чиқиши антик даврга бориб тақалади. У эрамиздан аввалги IX асрларда яшаб ижод қилган юнон эпик шоири Гомернинг “Одиссея” ва “Илиада” асарларида қўлланган. Манбаларда келтирилишича қанотли сўз термин сифатида илк марта инглиз тарихчиси, файласуф ва бадий танқидчи Томас Карлей (1795-1881) мақоласида, кейинроқ эса 1864 йилда ўзининг машҳур “Geflugelte Worte” китобини чиқарган немис олими Георг Бюхман (1822-1884) томонидан қўлланган.

XX асрга келиб ушбу термин кўплаб рус тилшуносларининг эътиборини тортган ва рус олимлари қанотли сўзларни бошқа бирликлардан фарқлаш ва луғат сифатида жамлаш борасида тадқиқотлар олиб боришган.

Масалан, рус тилшунослигида қанотли бирликларга оид муаммолар Н.С. ва М.Г.Ашукинларнинг “Литературные цитаты. Образные выражения” (1955) тўпламида маълум даражада ўз талқинини топди. Улар қанотли сўз атамасини

изоҳлашда Г.Бюхман фикрларини ёқлаб, уларни асосий манбалари асосида ўрганиш ҳамда қанотли сўзларнинг муҳим хусусияти манба билан боғлиқлик эканлигини таъкидлашади. Улар ўзларигача бўлган ишларда амалга оширилмаган вазифани бажарадилар, яъни кўплаб қанотли сўзларни бадий, публицистик мисоллар билан ва илмий-оммабоп матнлар билан изоҳлашга эришишган.

Сўнгги даврларда тилшунос С.Г.Шулежкованинг рус тили қанотли сўзларига бағишланган қатор ишлари майдонга келди. У турли соҳалардаги қанотли сўзларни кенг қамровда таҳлил қилар экан, уларни алоҳида тил бирлиги сифатида изоҳлайди [6].

Лотин ва француз тилларидаги қанотли сўзлар тадқиқи бўйича И.Н.Тимескова, Н.О.Овруцкий, А.Г.Назарянлар иш олиб боришган. Уларнинг ишларида қанотли сўз термини остида фразеологик birlikлар, афоризмлар ҳам ўрин олган [5]. Шунинг учун, аввало, қанотли сўзларни афоризмлар ва фразеологик birlikлардан фарқлашга ҳаракат қиламиз.

1980-90 йилларда тилшуносликда қанотли сўзларни бошқа тил birlikларидан фарқлаш борасида маълум даражада ишлар юзага келди. Масалан, В.Г.Костомаров, Е.М.Верешагинлар афоризмлар ва қанотли сўзлар ўртасидаги ўзаро фарқни изоҳлашга доир ўз қарашларини баён этишади.

Афоризмлар борасида тадқиқ олиб борган тилшунослар Н.Т.Федоронко ва Л.И.Скольская афоризмлардаги ҳақиқатга интилувчи чуқур маъно, умумлашганлик, лўндалик, маънонинг тугалланганлиги, сайқалланганлиги ҳамда бадийлик хусусиятларни белгилашади.

Бизга маълумки, афоризмлар (юн. *aphorismos* - ҳикматли сўз) ихчам шакли, чуқур мазмуни, муаллифи аниқ гап; ҳикматли сўзлар [1, 1-жилд, 18]. Француз тилининг луғатларда афоризмлар ҳикматли сўз ва иборалар деб, талқин этилган [4]. Афоризмлар учун умумлашганлик, лўндалик, фикрнинг тугалланганлиги, сайқалланганлиги, бадийлик каби жиҳатлар хосдир. Улар кўпинча одоб-ахлоққа оид изчил фикрлар ҳисобланади. Афоризмларни тушуниш борасида қийинчиликка учрамаймиз, чунки улар доимо ўз асл маъноларида қўлланади. Бу жиҳатдан улар мақол ва маталларга яқин туради:

Оз демак ҳикматга боис, оз емак сиҳатга боис (А.Навоий).

La vie est courte, l'art est long (фр.) – Ҳаёт қисқа, санъат абадийдир (Гиппократ).

Қанотли сўзлар ва афоризмларни ўзаро семантик нуқтаи назардан таққосласак уларга хос бўлган кўплаб жиҳатлар кўзга ташланади. Аввало, афоризмларнинг доимо ўз асл маъносида қўлланишини айтиш жоиз:

Тилга ихтиёрсиз - элга эътиборсиз (А.Навоий).

Ушбу ҳикматли сўзлар миллатсеварлик, ватанпарварлик туйғулари билан йўгрилган ва унда она тилини ҳурмат қилмайдиган киши нафақат ўзини, балки элини ҳам ҳурмат қилмаслигига урғу берилмоқда.

Француз тилида фаол қўлланидиган афоризмга ҳам эътибор қаратайлик: *L'éducation de l'homme commence à sa naissance* (фр.)

– *Инсон тарбияси тугилишидан бошланади* (Jean-Jacques Rousseau).

Ж.Ж.Руссога мансуб ушбу тарбия масаласидаги афоризм ҳам ўз асл маъносида турли тилларда қўлланилиши билан характерланади. Маълумки, мурғак

қалб онги унинг атрофидаги шахслар хатти-ҳаракатлари, ўзаро муносабатлари ва бошқа турли эшитган, кўрганлари асосида шакллана боради. Шунга кўра уларни эрта ёшдан бошлаб яхшилик, эзгулик сари йўналтириш мақсадга мувофиқ эканини таъкидлайди.

Биз тадқиқ остига олган қанотли сўзлар бўлса, фарқли равишда ўз маъносида келиши билан бирга кўчма маънода ҳам қўлланади.

Масалан, *Dame aux Camélias* (фр.), яъни *Камелияли аёл*.

Маълумки, А.Дюма(ўғил)нинг шу номли пьесаси мавжуд. Пьеса қаҳрамони камелия гулини жуда яхши кўрадиган ва уни доимо тақиб юрадиган бир енгилтак аёл бўлган. Шунга кўра қаҳрамоннинг характеридан келиб чиқиб ушбу ифода кўчма маънода “енгилтак аёл”ни ифодалайди.

Биламизки, афоризмлар барчага доимо тушунарли, биз тадқиқ қилаётган қанотли сўзлар бўлса пайдо бўлган вазият билан белгиланади, акс ҳолда уни тушуниш қийин.

Масалан, *Maitre Jacques* (фр.) (*Мэтр Жак*) Мольернинг “*Avare*” комедиясидаги персонажлардан биридир. Асарда ушбу қаҳрамон ҳам аравакаш, ҳам ошпаз каби қиёфаларида гавдаланади. У барчанинг хизматини беминнат бажараверадиган юмшоқ табиатли шахс сифатида келтирилади. Шундан келиб чиқиб *Мэтр Жак* ифодаси французлар нутқида “ҳамма юмушни қилаверадиган хушфёъл одам”нинг синонимига айланган.

Кўринадикки, ушбу асарни ўқиган, қаҳрамоннинг характерини билган шахс уни дарҳол англайди, акс ҳолда ифода тушунарсиз бўлиб қолаверади.

Юқоридаги мисоллардан кўринадикки, афоризмлар ва қанотли сўзларни кўп жиҳатлар бирлаштира-да, уларни бир-бирларидан кескин фарқловчи жиҳатлар ҳам талайгина намоён бўлмоқда. Улар ўртасидаги фарқловчи хусусиятларни куйидагича изоҳлаш мумкин:

1) Афоризмлар кўпинча одоб-ахлоққа оид изчил фикрлар ҳисобланади, қанотли сўзлар бўлса турлича маънони англатиши мумкин.

2) Афоризмлар доимо ўз асл маъносида қўлланади, қанотли сўзлар бўлса кўчма маънода ҳам қўлланади.

3) Афоризмлар барчага доимо тушунарли, қанотли сўзлар бўлса пайдо бўлган вазият билан белгиланади, акс ҳолда уни тушуниш қийин.

Эътиборимизни қанотли сўзлар ва фразеологик бирликлар масаласига қаратадиган бўлсак, кўплаб манбаларда ушбу, турлича тил бирликларининг бир ном остида аралаш берилиши ечими топилмаганидан далолатдир.

Бизга маълумки, икки ва ундан ортиқ сўздан таркиб топган ҳамда яхлит бир маъно ифодаладиган тил бирлиги фразеологик бирлик ёки фразеологизм дейилади [2, 137]. Фразеологизм (юн. *phrasis*) тузилишига кўра сўз бирикмасига, гапга тенг, семантик жиҳатдан бир бутун, умумлашган маъно англатадиган, нутққа тайёр ҳолда киритиладиган луғавий бирлик [1, 4-жилд, 364].

Демак, фразеологизмлар ўзларининг семантик бутунлиги билан характерланувчи тилдаги тайёр бирликлар. Фразеологизмлар тўғрисида фикр юритар эканмиз француз тилидаги фразеологик ибораларни, уларнинг характерли хусусиятларини чуқур ўрганган тилшунос Ш.Балли, рус тилшунослигида

фразеологик иборалар борасида ўзининг илғор қарашларни баён этган академик В.В.Виноградовларни айтиб ўтиш жоиз. Ўзбек тилшунослигида Ш.Раҳматуллаев фразеологизмларнинг лексик ва грамматик таҳлили борасида самарали ишлар олиб борган [3].

Умуман олганда, фразеологизмлар, борасида олимларнинг фикрлари турлича. Кўплаб олимлар фразеологизмларга барча барқарор бирликларни киритса, бошқалари маълум турғун бирликларни киритиш билан чегараланади. Баъзи олимлар фразеологизмларга мақоллар, афоризмлар, қанотли сўзларни киритса, бошқалари киритмайди. Бироқ, қарашлар қанчалик турли-туман бўлишига қарамай, тадқиқотчилар фразеологизмларни барқарорлик, маъно бутунлиги, иқтибосбоплик, вариантларга эгалик, образлилик, таъсирчанлик каби хусусиятларга эга эканлигини тасдиқлашади.

Ушбу жиҳатларни санаб ўтар эканмиз, беихтиёр қанотли сўзлар билан фразеологик бирликлар ўртасидаги фарқ кўзга ташланади.

Биринчидан, уларда структура жиҳатидан фарқланиш кузатилади. Фразеологизмларнинг бир сўздан иборат бўла олмаслиги айтиб ўтилди: *Дилини хира қилмоқ; Бошини иккита қилмоқ; Prendre une decision (фр.)* – қарор қабул қилмоқ; *Tomber dans les pommes (фр.)* – хушидан кетмоқ.

Лекин қанотли сўзларда бу каби ҳолатлар кузатилади, яъни бир сўздан иборат бўлган қанотли сўзлар талайгина: *Tartufe (фр.)* – иккиюзламачи; *Napoleon (фр.)* – шухратпараст; *Don-Juan (фр.)* – ишқий саргузаштларни яхши кўрадиган шахс; *Alphonse (фр.)* – машуқалари ҳисобига кун кўрадиган шахс; ва бошқ.

Иккинчидан, фразеологик бирликларнинг семантик хусусиятлари қанотли сўзларда ҳам ўз аксини топган бўлиб, шунинг билан бирга, қанотли сўзлар фразеологизмларда кузатилмайдиган бирор воқеа ёки ҳодиса билан ассоциацияланиш белгисига ҳам эга.

Масалан, *Ane de la fable* (Масал эшаги) ифодаси Ла Фонтеннинг “*Les animaux maladies de la Peste*” масалидан олинган. Масалда шер барча ҳайвонларга ўлатдан сақланиш учун хатоларини тан олишларини таклиф қилганида ёлғиз эшак яширинча бир тутам ўт еганини тан олади ва шер уни ўлимга маҳкум этади. Шунга кўра ифода устига барча хатоликлар тўкиб ташланган ва барча бахтсизликларда айбланувчи одам, яъни “балогардон” маъносида қўлланади.

Учинчидан, қанотли сўзлар бирор муаллиф ёки манбага эга, фразеологизмларда эса бундай ҳолат кузатилмайди, улар умумлашган маъно англатадиган, нутққа тайёр ҳолда киритилган луғавий бирлик бўлиб, аниқ манба ёки муаллифга эга эмас. Масалан:

Cherchez la femme! Ушбу қанотли сўз илк бора 1816-1827 йилларда Францияда яшаган америкалик Джеймис Голлатин кундалигида қайд этилган. Бу Берийскийнинг ўлими билан боғлиқ бўлиб Голлатин уни “ушбу жиноятда аёл киши аралашган” деган маънода қўллаган. Лекин ифоданинг оммалашиб кетиши А.Дюма(ота)нинг “*Mohicans de Paris*” (1864) асари билан боғлиқ. Ҳозирда ушбу ибора мажозий маънода “аёлларга хушомад қилиб чарчамайдиган эркак”ка нисбатан қўлланилади.

Таҳлиллardan кўринадики, фразеологик бирликлар ва қанотли сўзларни бирлаштирувчи жиҳатлар бўлиши билан бир қаторда уларни бир-бирларидан кескин фарқловчи жиҳатлар ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Қисқача қилиб улар ўртасидаги фарқни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1) Уларда структура жиҳатидан фарқланиш кузатилади, яъни фразеологизмлар қанотли сўзлар каби бир сўздан иборат бўла олмайди.

2) Қанотли сўзлар фразеологизмларда кузатилмайдиган бирор воқеа ёки ходиса билан ассоциацияланиш белгисига эга.

3) Қанотли сўзлар бирор муаллиф ёки манбага эга, фразеологизмларда эса бундай ҳолат кузатилмайди.

Демак, хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тадқиқотимиз объекти бўлган қанотли сўзлар афоризмлардан ҳам, фразеологик бирликлардан ҳам фарқланади. Қанотли сўзларни алоҳида тил бирлиги сифатида тилшуносликда ўз мавқеига, ўрнига эга деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. -Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006-2008.
2. Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Тошкент. Ўқитувчи, 1980.
3. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1978.
4. Le Petit Larousse. Dictionnaire encyclopédique. - Paris, 1993.
5. Тимескова И.Н. Крылатые слова, их значение и происхождение. –Ленинград: Просвещение, 1974; Овруцкий Н.О. Крылатые латинские изречения в литературе. - Киев, 1962; Назарян А.Г. Почему так говорят по-французски. – Москва, 1968.
6. Шулежкова С.Г. Крылатые выражения русского языка, их источники и развитие. – Москва: Наука. 2002.

28	Таълим соҳасида ижтимоий шериклик Алиханов М М	165
29	Оилада ўзаро меҳр муҳитини қадрият асосида шакллантириш жамият тараққиётининг гарови Бозорова Р Ш	172
30	Концептуальные основы развития военной культуры в вооружённых силах республики узбекистан Хашимова Г. И	178
31	Глобаллашув шароитида ўқувчи ёшларда илмий инновацион дунёқарашни шакллантиришда илмий-маънавий меъросни ўрганишнинг аҳамияти Худайназаров Н.Ш.....	184
32	Амир Темур ва Темурийлар даври фалсафаси ҳақида мушоҳада Алиқулов Ҳ	189
33	Илмий тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси Султанова Г.С	194
34	Коррупцияга қарши курашишнинг маънавий-маърифий асослари Сохибов С	198
35	Умар Хайём рубоийларининг талқин ва тавсифи. Шодиев Ж Ж	206
36	Ҳалол кадрлар тайёрлаш тизимини яратишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари Тожибоев С.П	211
37	Особые аспекты формирования стратегии жизни молодежи Исмоилов Т И	215

10.00.00

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES**

38	Шукур Холмирзаевнинг ҳикоячиликдаги маҳорати Тошпўлатов А	220
39	Мустақиллик даври ўзбек драматургиясида жанрлараро диффузияланиш. Аҳмедова В.А	227
40	Миллий Характер масаласининг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилиши Қаюмов А	236
41	Инглиз ва ўзбек тилларида ирригация ва мелиорация терминларининг морфологик таҳлили«инсон нечта тил билса, у шунча одамдир»Гёте Ахмедов О.С, Назарова С.А	241
42	Нишотийнинг “хусн ва дил” достонида муболаға санъати Маматқулов М.Р	247
43	Қанотли сўз, афоризм ва фразеологик бирлик тушунчаларининг ўзаро фарқи Исакова Г. Н	252
44	Социально-лингвистическая репрезентация понятия «учитель» Носирова М.О	258
45	К. Boldikning adabiyotshunoslik terminlari qisqacha oksford izohli lug'atining leksikografik va etimologik tahlili Saidova M U	263